

Аллоҳ манфаат берадиган амал | Сийрат дарслари (286-дарс)



19:00 / 14 июнь 978

436. Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менга Аллоҳ манфаат берадиган ишни амр қилинг», дедим. **«Рўзани лозим тут, унинг ўхшаши йўқдир»**, дедилар.

Насоий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

437. Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Аллоҳнинг йўлида бир кун рўза тутса, Аллоҳ унинг юзини дўзахдан етмиш кузлик (йиллик масофага) узоқ қилади»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

438. Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жаннатнинг бир эшиги бўлиб, Райён деб номланади. Қиёмат куни рўзадорлар ундан киришади, улардан бошқа бирортаси кирмайди. «Рўзадорлар қаерда?» дейлади. Улар шундан киришади. Уларнинг охиргиси кирганда у беркитилади. Ундан бошқа ҳеч ким кирмайди»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

439. Зайд ибн Холид Жуҳаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким рўзадорни ифтор қилдирса, унга унинг ажрича ажр бўлади. Шу билан бирга рўзадорнинг ажридан ҳеч бир нарса кам бўлмайди»**, дедилар».

Термизий, Ибн Можа, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

440. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ойни кўриб, рўза тутинглар. Ойни кўриб, рўзани очинглар. Агар (ой) сизлардан булут билан тўсилиб қолса, ўттиз кун рўза тутинглар»**.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.